



## NAVOIY VILOYATI TOMDI TUMANI HOKIMINING QARORI

210800, Tomdi tuman, Yangi Tomdi qo'rg'oni, tel: (79) 582-13-13, fax: 582-13-22, e-mail: tomdi@nv.uz

2022 - yil 31 - oktabr

122-5-75-Q/22

Tomdi tumani hokimligi

### **Томди туманида мавжуд автомобиль йўллариغا сунъий нотекисликларини ўрнатиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 172-сонли қарори талаблари ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Томди туманида мавжуд автомобиль йўллариغا иловага мувофиқ сунъий нотекисликлар ўрнатилсин.

2. Туман “Йўллардан фойдаланиш” УК (И.Норов), туман Ободонлаштириш бошқармаси (Х.Аманов)га туманда мавжуд автомобиль йўллариغا иловага мувофиқ сунъий нотекисликларини ўрнатиш вазифаси топширилсин.

3. Йўл ҳаракати қатнашчилари “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва “Йўл ҳаракати қоидалари”га мувофиқ ўрнатилган йўл белгилари, йўл чизиқларига амал қилишлари, шунингдек берилган ваколат доирасида йўлларда ҳаракатни тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шарт.

4. Туман ИИБ ЙХХБ (Д.Йўлдошев)га мазкур сунъий нотекисликлар ўрнатилишини ҳамда туман ҳудудида транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солинишини назорат қилиб бориш вазифаси юклатилсин.

5. Ушбу қарор “Тамды шаруагери” газетасида чоп этилсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Р.Қунақбаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Қ.Алдабергенов

Tomdi tuman hokimining  
2022 yil 31 oktabrdagi  
122-5-75-Q/22-son qaroriga  
1-ilova

**Томди туманда мавжуд автомобиль йўлларга ўрнатиладиган сунъий  
нотекисликлар бўйича**

**МАЪЛУМОТ**

<b>Т/р</b>	<b>Жойлаштириш жойи</b>	<b>Йўл белгиси жойлашган ҳудуд</b>
1.	“Қизилқум халқа йўли” автомобил йўлининг 400 км	“Томдибулоқ” ОФЙ